

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Ss.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚАРШИЕВ БАХТИЁР ЭГАМҚУЛОВИЧ**

**ЖАМИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИНИ**  
**ТАЪМИНЛАШДА МЕДИАТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ**

23.00.02. – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2020**

**Сиёсий фанлар бўйича Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
политическим наукам**

**Contents of dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on  
political sciences**

**Қаршиев Бахтиёр Эгамқулович**

Жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда медиатаълимнинг  
ўрни.....

**Қаршиев Бахтиёр Эгамқулович**

Роль медиаобразования в обеспечении безопасности и стабильности  
общества.....

**Karshiev BakhtiyarEgamqulovich**

The role of mediaeducation in ensuring security and stability of society.....

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида В2019.1.PhD/ss126 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Ўзбекистон Миллий университети веб-саҳифасида ([www.nuu.uz](http://www.nuu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Пахрутдинов Шукритдин Ильясович**  
сиёсий фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Идилов Улугбек Юсупович**  
сиёсий фанлар доктори, профессор

**Қўчқоров Ваҳоб Хошимович**  
сиёсий фанлар доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент ахборот технологиялари университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSC.03/30.12.2019.SS.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил « 10 » декабрь соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй.

Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-02-24; e-mail: [наука@nuu.uz](mailto:наука@nuu.uz) Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона.

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 246-67-71, факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни тарқатилди  
(2020 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.Т. Тўйчиев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

**О.Р.Мусаев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д. (DSc).

**Б.Т. Тўйчиев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, ф.ф.д., профессор

## КИРИШ.(фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Бугунги кундажаҳон миқёсида ҳудудлар ва ҳатто минтақаларнинг сиёсий, иқтисодий, маданий жиҳатдан бир-бирига интеграциялашиб бораётганлигини кузатиб турибмиз. Бу жараёнда жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш устувор омилга айланиб бормоқда. Бугунги кунда таълим тизимида янги ахборот-коммуникацион технологияларнинг тадбиқ қилиниши ва ривожлантирилиши давр талабидир. Бугунги “Ахборот асри” ҳар соҳада ахборот технологияларини кенг қўллаш талабини кўяр экан, мазкур йўналишда чуқур билим ва кўникмага эга бўлган ёш кадрларни тарбиялашга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Бугунги кунда медиатаълим дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларидаги илмий марказлар томонидан ўрганилмоқда. Медиатаълимдан кўзланган мақсад эса ёш авлод медиасаводхонлигини шакллантиришдир. Шу боисдан ҳам нуфузли илмий тадқиқот марказларида жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда медиатаълимнинг имкониятлари ва рақамли ОАВ тушунчаларини илмий жиҳатдан ёритиш ва тадқиқ қилиш кўламини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилган. Демак, айтиш мумкинки, бошқа соҳалар қатори жаҳон сиёсатшунослик фани тизимида режалаштирилаётган илмий тадқиқот мақсадлари, усуллари ва натижаларини Ўзбекистон медиатаълим тизимида тадбиқ қилиш келажакда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда ўз самарасини беради. Ушбу муаммоларни ўрганиш учун “ақлий марказлар”, “ҳалқаро рейтинг агентликлари” томонидан ишлаб чиқилган вазифаларни жамият ҳаётига тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда ягона ахборот тизимини яратиш, жаҳон медиа тизимида интеграциялашиш, ахборот олишнинг тегишли кафолатларини яратиш ва ахборий таҳдидларга қарши курашишнинг сиёсий-ҳуқуқий базасини ишлаб чиқиш бугунги кунда Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Бу борадаги вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М Мирзиёевнинг концептуал ғояларида ўз ифодасини топмоқда<sup>1</sup>. Қолаверса, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да жамоатчилик бошқаруви тизимини такомиллаштириш, оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, журналистларнинг профессионал фаолиятини ҳимоя қилиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ҳам мазкур йўналишдаги тадқиқотларни кенгайтиришга замин яратмоқда. Шунингдек, 2019-2021 йилларда халқаро Интернет ахборот тармоғида миллий контентни ривожлантириш комплекс дастури тасдиқланиши эътиборга молик. Мазкур дастурда миллий контент ва IT-стартлар ривожланишини қўллаб-қувватлаш давлат фондини ташкил қилиш, блогерлик фаолиятини тартибга солиш ва бошқарув механизмининг такомиллаштириш, миллий блогерлар клубини яратиш, зарур ва долзарб ахборотни тайёрлаш бўйича тизимли ишни ташкил қилиш, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонунни янги таҳрирда қабул қилиш устувор вазифа қилиб белгиланди.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий таракқиёт йўлимининг қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2017. –Б.134.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон “Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 февралдаги “Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5653-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4151-сон Қарори ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислон Каримовнинг медиатаълим тизимини кенг миқёсда жорий этишга доир концептуал фикрлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев асарларидаги<sup>2</sup> мамлакатда интернет технологияларини давлат бошқаруви, иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва кундалик ҳаётга изчил жорий этиш бўйича кенг кўламли ислохотларни олиб бориш борасидаги ғоялари ва амалий саъйи-ҳаракатлари мазкур тадқиқотга илмий-методологик асос бўлиб хизмат қилди.

Медиатаълим- бу таълимнинг янги йўналиши, медиа ва коммуникация соҳасидаги замонавий таълим шакли. Шунинг таъкидлаш керакки, бошқа соҳалар қатори, сиёсий фанлар тизимида медиатаълимни ривожлантириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли соҳа тадқиқотлари, муаммонинг илмий ва назарий ечимларини ҳисобга олган ҳолда уларни ўрганилганлик даражасини қуйидагиларга ажратдик:

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш соҳасини Ш.Пахрутдинов, М.Бекмуродов, Н.Жўраев, М.Қуронов, Т.Алимардонов, А.Г.Муминов, С.Отамуродов, В.Қўчқоров, Б.Ходиев, Б.А.Бегалов, Т.Жўраев, С.Акобиров<sup>3</sup> каби олимлар фалсафий, сиёсий, социологик, тарихийлик нуқтаи-назаридан тадқиқ этишган. Ушбу мутахассислар ахборот технологияларининг жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашдаги ролини илмий ва амалий жиҳатдан очиб бериб,

---

<sup>2</sup>Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 56 б.; Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.; Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.; Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. - Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.

<sup>3</sup>Мазкур олимларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

оммавий ахборот воситалари замонавий манипуляция ва таҳдидлар воситасига айланганлигини илмий жиҳатдан асослаб беришган.

Жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда медиатаълимни бошқаришнинг турли моделларини шакллантириш, ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида инновацион фаолиятни бошқаришнинг институционал механизмларини такомиллаштириш, мамлакатимизнинг барча фанлари тизимини ривожлантиришда тармоқ моделларини янги инфратузилмасини яратиш, шу билан бирга, сиёсий таълим соҳасига ИТ-технологияларини жорий этиш, давлат ва жамият бошқарувини барқарорлаштириш масалалари Т.Жўраев, Ш.Пахрутдинов, Абдуллажонов О, Камилова С, Рахматов О, Нажмиддинов Ж, А.Мўминов, Р.Самаров, У.Саидов, И.Саифназаров, Н.Сафарова, Б.Омонов, Ш.Қаҳҳорова ва бошқа шу каби олимлар тадқиқотларида батафсил очиб бериб, жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда ахборот технологияларининг тутган ўрнини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ қилганлар.

МДХ доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янги сиёсий тизимни шакллантиришдаги ўзига хос жиҳатлари, сиёсий институтлар фаолиятини эркинлаштириш, улар фаолиятини номарказлаштиришда медиа тизимининг аҳамияти ҳақида Б.А.Грушин, В.С.Коробейникова, Б.М.Фирсов, Е.Ч.Андрунас, А.И.Пономарева, А.Н.Маринович, Г.В. Алексеев, Н.А.Марецкая, Д.Г.Балуев, Д.И.Каминченко, А.В.Федоров, Г.Шиллер ва бошқа шу каби олимлар жамиятнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш хусусида муҳим илмий-концептуал ғояларни илгари сурганлар<sup>4</sup>.

Глобал ахборот маконида ахборотнинг цивилизацияларга таъсири, уларнинг намоён бўлиш хусусиятлари, медиа технологияларининг сиёсий мазмун-моҳияти, яхлит-мазмуни, ахборот олиш, сиёсий коммуникативлик, ижтимоий-маданий, ўқув- билиш, концептуал ,инструментал, мослашувчанлик жиҳатлари борасида тадқиқотлар олиб борган хорижлик Г.Лассуэл, Д.Белл, З.Бжезинский, П.Друкер, М.Кастельс, М.Порат, Й.Масуда, Т.Стоуньер, Р. Катц, Р.Робертсон каби олимларни киритиш мумкин<sup>5</sup>. Бу муаллифлар фикрларининг мавзуимизга тегишли жиҳатини биринчидан, бугун дунёнинг турли зиддиятлар таъсирида ҳаёт кечираётгани, уларнинг турли салбий ахборот таҳдидларига учраётгани бўлса, иккинчидан, бу салбий ахборот таҳдидлари негизида инсонларнинг маънавий қашшоқлашувини келтириб чиқариши билан изоҳлаш мумкин.

Юқорида келтирилган соҳа мутахассислари ўзларининг илмий-тадқиқот ишларида жамият барқарорлиги мураккаб тизим сифатида ўрганишган бўлсада, лекин медиатаълим омили сиёсий жиҳатдан хавфсизлик ва барқарорлик объекти сифатида етарлича ўрганилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация

<sup>4</sup>Юқорида номлари зикр этилган олимларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

<sup>5</sup>Lasswell G. The Structure and Function of Communication in Society // Mass Communications / Ed. by Schramm. W. Jrbana, 1960; Bell D. The Coming of Post-Industrial Society. A Venture in Social Forecasting. N.Y., 1973; Brzezinski Z. The Grand Chessboard: American Primacy and Its Geostrategic Imperatives/ 1997. Drucker P.F. Post-Capitalist Society. N.Y.: Harper-Collins Publ., 1995; Caslels L /. The Network Society: A Cross-Cultural Perspective. Cheltenham Northampton: Edward Edgar, 2004; Masuda Y. The Information Society as Post-Industrial Society. Wash., 1981; Katz R.L The Information Society: An International Perspective. N.Y., 1988; Robertson R., lediner F. Modernization, Globalization and the Problem of Culture in WorldSystems Theory // Theory, Culture & Society. 1985. Vol. 11. № 3; Robertson R. Globalization: Social Theory and Global Culture. L., 1992;

Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланишининг сиёсий-ҳуқуқий асослари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда медиатаълимнинг ўрнини белгилаш, илмий ёндашув назарияларини ижтимоий-сиёсий жиҳатдан умумлаштириш ҳамда сиёсий институт бўлган оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

жамият хавфсизлиги ва барқарорлиги тушунчаларининг моҳиятини ўрганиш ҳамда бу жараёнга таъсир кўрсатадиган медиатаълимнинг социумдаги ўрни ва ролини очиқ бериш;

медиатаълим институти ривожининг тарихий, ижтимоий-сиёсий хусусиятлари, ёшларда сиёсий медиасаводхонлик, медиабилымдонлик медиакомпетентлик, медиатаҳлил қобилиятларини ривожлантиришнинг афзаллик жиҳатларини ўрганишга доир таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш;

ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида ёшлар сиёсий етакчиларининг медиа-сиёсий сифатларини ривожлантириш жараёни веб-квестлар ва витаген технологияларини оптималлаштириш асосида “media quest+” интерфаол методларни сиёсий таълим жараёнига тадбиқ қилишнинг функционал имкониятларини очиқ бериш;

сиёсий медиатаълимни ривожлантириш механизмларини баҳолаш мезонлари (сиёсий медиамаҳсулотни классификациялаш, фойдаланиш, таҳлил этиш ва синтезлаш, ижтимоий, сиёсий-психологик таъсирини баҳолаш) “сиёсий медиатаълим”нинг шаклланиш босқичлари, миллий ахборот ресурсларини яратишнинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларини аниқлаш ва уларнинг ижтимоий характерини очиқ бериш;

медиатаълимни ривожлантиришдаги давлат сиёсатининг концептуал мазмуни ва стратегик йўналишлари, унинг давлат суверенитети ва миллий хавфсизлигини таъминлашдаги потенциал имкониятларини илмий-амалий жиҳатдан асослаш;

Ўзбекистонда миллий медиа сиёсатини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш механизмларини ривожлантириш муаммолари ва вазифалари доирасида илмий-амалий хулоса, таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объектини** жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда медиатаълимни шакллантириш жараёнлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда медиатаълимни шакллантиришнинг сиёсий асослари, методлари, воситалари ҳамда амалий механизмларини такомиллаштиришга доир концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда, тарихийлик, мантиқийлик, анализ ва синтез, контент таҳлил, қиёсий таҳлил, моделлаштириш, прогнозлаш каби усуллар ҳамда тизимли, функционал, институционал ёндашувлардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

ахборот оқимига бой ҳозирги даврда сиёсий жараёнлар фуқаролар томонидан эркин қабул қилиниб, онгли таҳлил қилиниши асосида уларнинг манупулятив таъсирини, қўллаш механизмларини, сиёсий манфаатларини ва оқибатларини селекциялаштириш (соғлом англаш, ғояни саралаш) жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминловчи муҳим омиллар эканлиги илмий асосланган;

сиёсий хавфсизлиги таъминланган ва барқарор тараққий этаётган мамлакатларнинг самарали тажрибалари ва эмпирик таҳлиллардан келиб чиқиб, республикамизда медиатаълимни жорий қилиш, таълим-тарбия тизимини интеграциялаштириш ва унга фуқаролик жамияти институтларини ҳам жалб этган ҳолда узлуксиз комплекс ёндашувни шакллантириш лозимлиги сиёсий идентификация нуқтаи назаридан очиб берилган;

жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда медиатизимнинг сиёсий коммуникация ва сиёсий технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш, шу билан бирга унинг жамият ҳаётини беқарорлаштиришга йўналтирилган турли хавф-хатарларни аниқлашнинг on-line ва off-line мулоқот, ўзаро тажриба алмашиш, мотивацион, когнитив ва фаолиятли-рефлексив, форумлар, сиёсий платформа, интеллектуал карта, веб-квест каби сиёсий индикаторлари мавжудлиги асосланган;

Ўзбекистон ёшларининг сиёсий онги ва маданиятига медиа тармоқларнинг таъсирини аниқлаш мақсадида, доимий равишда ижтимоий-сиёсий жараёнларни тизимли таҳлил қилиб бориш ҳамда давлат сиёсатининг концептуал мазмуни ва стратегик йўналишларидан келиб чиқиб, сиёсий ва фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирокида медиатаълимнинг интеллектуал, инновацион имкониятларидан самарали фойдаланиш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш ижтимоий зарурат эканлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат: “медиатаълим”, “медиахавфсизлик”, “медиаасовдхонлик”, “медиаменталитет” тушунчаларининг ўзига хос жиҳатлари ва хорижий олимларнинг тадқиқотларини қиёсий таҳлил қилиш асосида очиб берилган;

давлатнинг медиа соҳасидаги сиёсатини илмий тушунтиришда унинг манбаларини аниқлаш, баҳолаш ва башорат қилиш, бу борада мавжуд сиёсий ёндашувларни такомиллаштириш, давлат барқарорлигини таъминлаш фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган;

медиатаълим феноменининг сиёсий хусусиятлари тизимлаштирилиб, сиёсатшунослик фани доирасида янги илмий тушунча ва парадигмалари таҳлил этилиб, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётини барқарорлаштиришда радиотелевидение, кинематография, оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланишнинг сиёсий механизмлари очиб берилган;

жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашга қаратилган медиаматнларни яратиш, халқаро даражада фаолият олиб бораётган турли ташкилотлар ва уюшмаларни ғоявий-мафкуравий ҳамда сиёсий ғоялари акс эттирилган манбаларни аниқлаш йўллари турли сиёсий моделларнинг тажрибалари асосида универсал тамойиллари кўрсатиб ўтилган;

давлат медиа сиёсатининг муҳим жиҳати сифатида фуқаролар, жамоа ташкилотлари ва давлатнинг ахборотга нисбатан бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи ҳуқуқий-сиёсий меъёрларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ



этиш механизмлари ёритилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги халқаро ҳамда республика миқёсидаги илмий-амалий конференциялар материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатига кирган махсус ва хорижий мамлакатлар журналларида чоп этилган мақолалар, хулоса, амалий таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот давомида олинган натижаларнинг илмий аҳамияти Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётида медиатеchnологияларини такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар, унинг илмий асосда бўлишини таъминлашга хизмат қилишида, амалий аҳамияти эса давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ислохотлар жараёнида сиёсий иштироки самарадорлигини ошириш, аҳоли, фуқароларнинг ахборот ва сиёсий маданиятини юксалтиришга хизмат қилишида кўринади.

Тадқиқот натижасида олинган илмий хулосалар 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган назарий ва амалий вазифаларни бажаришда; жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида ўтказилаётган ислохотлар ва олиб борилаётган ишларни ҳуқуқий таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда; медиатаълим барча таълим жараёни соҳасини сифат жиҳатдан янада юқорироқ поғонага кўтаришга, сиёсий фанлар тизимида мавжуд интернетдаги маълумотлар, телевидения, радио лавҳалари, кино, видео, аудио материаллар тизимида тарқатилаётган ахборотлардан оқилона фойдаланиш маданиятини юксалтиришга хизмат қилиши билан боғлиқ муаммоларни илмий тадқиқ этишда; самарали медиа сиёсатини олиб боришда, Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, ОАВ муассасалари, шунингдек ахборот тарқатиш учун масъул муассаса ва ташкилотлар фаолиятида диссертация мавзуси билан боғлиқ муаммоларни илмий тадқиқ этишда илмий манбалардан бири сифатида фойдаланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқотнинг натижалари, ундаги илмий хулоса ва таклифларнинг амалиётга жорий этилаётгани бўйича қуйидаги тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган:

ахборот оқимида бой ҳозирги даврда сиёсий жараёнлар фуқаролар томонидан эркин қабул қилиниб, онгли таҳлил қилиниши асосида уларнинг манупулятив таъсирини, қўллаш механизмларини, сиёсий маънафаатларини ва оқибатларини селекциялаштириш (соғлом англаш, ғояни саралаш) жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминловчи муҳим омиллар эканлигига доир илмий хулосалардан Республика Маънавият ва маърифат марказида “Фазилатли авлод” номли ўқув қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланилган. (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 22 ноябрдаги 02/07-1564-сонли маълумотномаси). Диссертацияда илгари сурилган илмий хулосалар Марказ томонидан тайёрланган ўқув қўлланманинг назарий жиҳатдан бойишига ҳамда ёшларни тарбиялаш, уларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга қаратилган профилактика ва тарғибот-ташвиқот ишлар натижадорлигига ижобий таъсир кўрсатган.

сиёсий хавфсизлиги таъминланган ва барқарор таракқий этаётган мамлакатларнинг самарали тажрибалари ва эмпирик таҳлиллардан келиб чиқиб республикамизда медиатаълимни жорий қилиш, таълим-тарбия тизимини интеграциялаштириш ва унга фуқаролик жамияти институтларини ҳам жалб этган ҳолда узлуксиз комплекс ёндашувни шакллантириш лозимлиги сиёсий идентификация нуқтаи назаридан очиб берилганлигига оид илмий асосланган хулоса ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказида “Бахтли бола маънавияти” ва “Ёш ота-она китоби” номли ўқув қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил 22 ноябрдаги 02/07-1564-сонли маълумотномаси). Ушбу хулосалар ўқув қўлланманинг назарий жиҳатдан такомиллашувига катта ҳисса қўшган ;

жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда медиатизимнинг сиёсий коммуникация ва сиёсий технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш, шу билан бирга унинг жамиятда ҳаётини беқарорлаштиришга йўналтирилган турли хавф-хатарларни аниқлашнинг on-line ва off-line мулоқот, ўзаро тажриба алмашиш, мотивацион, когнитив ва фаолиятли-рефлексив, форумлар, сиёсий платформа, интеллектуал карта, веб-квест каби сиёсий индикаторлари мавжудлиги бўйича илмий асосланган хулосалардан Республика электрон ҳукумат марказида “Фуқаролик жамияти” номли ўқув қўлланмани тайёрлашда фойдаланилган (Электрон ҳукумат марказининг 2020 йил 1 июндаги 1104/15-01 сонли маълумотномаси). Натижада Марказда ушбу ўқув қўлланмадаги маъруза матнларида глобал ахборот жамияти шароитида аҳолининг ахборотлардан фойдаланиш, тушуниш, инсон психикасига таъсири қилинишини англашга ўргатишга муносиб ҳисса қўшган.

Ўзбекистон ёшларининг сиёсий онги ва маданиятига медиа тармоқларнинг таъсирини аниқлаш мақсадида, доимий равишда ижтимоий-сиёсий жараёнларни тизимли таҳлил қилиб бориш ҳамда давлат сиёсатининг концептуал мазмуни ва стратегик йўналишларидан келиб чиқиб сиёсий ва фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштирокида медиатаълимнинг интеллектуал, инновацион имкониятларидан самарали фойдаланиш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш ижтимоий зарурат эканлигига доир илмий хулосалардан Республика электрон ҳукумат маркази томонидан “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш механизмлари” номли ўқув қўлланмани тайёрлашда фойдаланилган (Электрон ҳукумат марказининг 2020 йил 1 июндаги 1104/15-01 сонли маълумотномаси). Мазкур хулосалар ўқув қўлланмадаги жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда медиатаълимнинг интеллектуал ва инновацион имкониятларидан фойдаланиш ҳамда маънавий-ахлоқий тарбия жараёнларида ўқувчи-ёшлар маънавияти ва маданиятини медиа воситалари асосида уларда ахборот маданиятини шакллантиришга доир қисмини такомиллаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.**

Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган

илмий нашрларда 5 та мақола (улардан 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда) эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, 161 саҳифа, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг кириш қисмида муаммонинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини тадқиққилишнинг назарий-методологик асослари”** номли I бобда жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш мақсадида янги сиёсий муносабатлар тизимини шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини айнан, 2017 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида кўришимиз мумкин. Унинг тўртинчи устувор йўналишида, “...ижтимоий соҳадаги ислохотларни кенгайтириш, хусусан, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини янада ривожлантириш, шунингдек, бешинчи устувор йўналишида, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил кўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакат халқаро нуфузини мустаҳкамлаш”<sup>6</sup> каби вазифаларни қамраб олганлиги ҳам мазкур мавзунинг қанчалик даражада долзарб эканлигини кўрсатиб турибди. Шу боис мазкур бобда жамият хавфсизлиги ва барқарор тараққиёт тушунчалари ва уларнинг мазмун-моҳияти, медиатаълимнинг тарихий-сиёсий эволюцияси ҳамда ривожланган давлатларнинг медиатизимнинг сиёсий коммуникация ва сиёсий технологияларидан самарали фойдаланиш тажрибаси сиёсий фанлар нуқтаи-назаридан тадқиқ қилинган. Шу сабабли, мазкур соҳадаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида тадқиқотчилар олдида жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш усуллари ва воситаларини ишлаб чиқиш, уларнинг жамият сиёсий муҳитини барқарорлаштиришдаги ўрнини баҳолаш, ҳозирги даврдаги турли таҳдидларнинг сиёсий мазмун-моҳиятини тушуниш муаммоси кўндаланг бўлиб турибди. Ушбу муаммонинг ечими эса, бугунги кундаги жамият хавфсизлиги ва барқарор тараққиётга тўсиқ бўлувчи муаммоларини аниқлаш, ўрганиш билан чамбарчас боғлиқдир. Негаки, барча мамлакатларда бўлгани каби бизнинг жамиятимиз ҳам турли сиёсий хавф-хатарлардан мутлақо ҳоли эмас. Уларга қарши самарали кураш олиб бориш, таҳдид ва тажовузларни бартараф қилиш барча Ўзбекистон фуқароларининг муҳим бурчлари ҳисобланади.

Ҳозирги кун ёшлари бундай таҳдидлар ҳақида бирламчи маълумотларга эга бўлишса ва уларга қарши иммунитетни яратилса, уларни ҳеч бир ёт ғоя ёки кучлар ўз домларига жалб эта олмайди. Агар улар турли даражадаги ғоявий-мафкуравий ва сиёсий хавфларнинг мазмун-моҳиятини холисона баҳолай олишса, уларни бошқаларидан фарқлай олишса, жамият хавфсизлигини

<sup>6</sup>Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 7 феврал 2017.

таъминлаш ва барқарор тараққиётга эришиш мумкин бўлади. Хусусан, бизнинг тадқиқот мавзуимиз доираси жамият хавфсизлиги ва барқарор тараққиётини таъминлашда медиатаълимнинг ўрни муаммоси ижтимоий-гуманитар фанлар, айниқса сиёсатшунослик соҳасининг предметларидаги интеграциялашиш ва дифференциаллашиш хусусиятлари ҳамда жамият хавфсизлиги ва барқарор тараққиётини таъминлашга бевосита хизмат қиладиган медиатаълим йўналишларидаги ўзаро боғланишларини тизимли ўрганишни тақозо этмоқда. Шунинг билан бир қаторда медиатаълимни жамият хавфсизлиги ва барқарор тараққиётни таъминлашдаги тутган ўрнини ҳар томонлама ўрганиш, унинг сиёсий институтлар фаолиятини такомиллаштиришдаги роли ҳамда давлат сиёсати элементлари билан муносабатларини илмий-назарий, методологик асосларини тадқиқ қилиш ҳам бугунги ахборотлашган жамиятда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Мазкур бобда “жамият”, “хавфсизлик”, “жамият хавфсизлиги”, “хавфсизлик субъектлари”, “барқарорлик”, “тараққиёт”, “ривожланиш” тушунчалари, жамият хавфсизлиги ва барқарор тараққиётини таъминлашда муҳим ўрин тутаяётган медиатизим нима? Унинг қандай сиёсий асослари мавжуд?, давлатларнинг сиёсий фаолиятини такомиллаштиришда медиатаълимнинг аҳамияти нималарда кўринади? каби саволларга жавоблар ва ривожланган давлатларнинг медиатаҳдидларга қарши кураш технологияларидан самарали фойдаланиш тажрибаси очиб берилган.

Диссертациянинг II боби **“Жамият хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашда медиатаълимни ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий омиллари”** деб номланган. Унда барқарорлик ва хавфсизлик тушунчалари илмий таҳлил қилинган. Улар бир бутун тизимнинг муҳим элементлари бўлиб, уларни бир-бирларига қарама-қарши қўйиш мумкин эмас. Дарҳақиқат, хавфсизлик муаммоси мустақил давлатчиликнинг шаклланиши ва жамиятда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий манфаатларнинг қарор топиши билан бир вақтда вужудга келади. Чунки шу вақтдан бошлаб, барқарорлик, ривожланиш билан бир қаторда хавф-хатар, турли-туман таҳдидлар ҳам пайдо бўлиб, уларни ҳисобга олиш, уларга асосланиб, давлат стратегияси ва сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш мамлакат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шартини ҳисобланади. Барқарорлик деганда жамиятдаги қатъий, турғун вазият тушунилади. Барқарорлик нарса ва ходисаларга хос муайянликни ифодаловчи тушунча. Давлатдаги барқарор вазият– ички ва ташқи шароитларда, ўзгариш ҳолатида давлат суверенитети, мамлакатнинг ҳудудий бутунлиги, унинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиш қоидаларига риоя этиш ва шахс эркинлиги, давлат ва жамият муассасаларининг бардошли фаолиятини таъминлайдиган давлат вазияти. Сиёсий барқарорлик эса – ҳар хил сиёсий субъектлар ўртасида алоқалар тизими ҳолати, шу тизимни аниқ бир бутунлиги ва унга қўйилган функцияларни амалга ошириш қобилияти. Ички сиёсий, ҳудудий ва халқаро сиёсий барқарорлик мавжуд бўлади. Ички сиёсий барқарорликнинг асосий субъекти давлат ва жамиятнинг сиёсий ячейкаларида намоён бўлади. Сиёсий барқарорлик ҳудудий ва халқаро тизими ўз ичида қоидага кўра иккидан ортиқ субъект сиёсий жараёнининг бутун бошқарадиган пайдо бўлишларда намоён этади. Хусусан, ижтимоий барқарорлик – ижтимоий муассасаларнинг барқарор ҳолатда фаолият юритиш ва жамият ҳаёт тарзининг

барча соҳаларининг ривожланишини таъминловчи жамият ва давлатнинг ички вазияти, миллий хавфсизликнинг асосий омилларидан биридир. Барқарор тараққиёт учун медиатаҳдид - бу оммавий ахборот воситалари ёрдамида инсон онгига берилаётган салбий маҳсулот, таҳдид ҳисобланади. Глобаллашув жараёнида ахборот асосида берилаётган медиатаҳдидларнинг умумий белгиларига кўра қуйидагича изоҳланади:

Биринчидан, мавҳумлик ва ноаниқлик;

Иккинчидан, олдин маълум бўлмаган маълумотларни руҳий таъсир кўрсатиш даражасида етказиш;

Учинчидан, маълум вақтда юз берган воқеа ёки ҳодисаларни, уларга доир далиллар ҳамда фактларни ментал хусусиятлардан келиб чиқиб таъсир қилиш;

Тўртинчидан, манфаатларни ифодалаш усули сифатида қаралаётгани муаммони хавфсизликка таъсири каби жиҳатлар умумий белги сифатида қаралади.

Буни сиёсий фанлар доктори А. Муминовнинг “ахборотга бўлган ҳаётий эҳтиёж, уни қондиришга хизмат қилувчи омилларни шакллантириш кишилиқ тараққиётининг ҳар бир босқичида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келган. Шу маънода, одамлар томонидан тарқатилаётган ҳар бир ахборот, улар яшаб турган жамиятнинг манфаати учун хизмат қилган, унинг мақсад интилишларини ифодалаган”<sup>7</sup> деган қарашлари негизида айнан мазкур омиллар ифода этилади. Шунингдек, Р.Самаров бу ҳақида қуйидагича фикр билдиради:- “Ахборот психологик хавфсизлик деб, индивидуал, гуруҳий психологик ва омма психологиясини жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий, маданий, экологик ва бошқа соҳаларига қаратилган турли даражалардаги салбий таъсир ўтказишлардан ҳимояланганлик ҳолати тушунилади”<sup>8</sup>.

Бугун халқаро тизимда давлатларнинг информацион хавфсизлигига медиатаҳдидлар ташқи ва ички таҳдидларга бўлинади.

Шунингдек, умумий йўналиши бўйича медиатаҳдидлар давлатлар хавфсизлигига қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

диний ҳаёт ва информацион фаолиятда инсон эркинликлари ва конституцион ҳуқуқларига, индивидуал, гуруҳ ва ижтимоий онгга таҳдидлар;

медиа соҳасидаги информацион ресурсларни тўплаш, сақлаш ва улардан самарали ва ижобий фойдаланишни таъминлаш бўйича давлат сиёсатини информацион таъминланишга таҳдидлар;

информацион ва телекоммуникацион воситалар ва тизимлар хавфсизлигига таҳдидлар.

давлат бошқарув органлари томонидан диний ҳаёт ва информацион фаолият соҳасида фуқаролар эркинликлари ва конституцион ҳуқуқларини камситувчи қонуний ҳужжатларнинг қабул қилиниши;

телекоммуникацион тизимларни ҳам қўллаган ҳолда республикада информацияни шакллантириш, олиш ва ёйиш бўйича ҳукмронликнинг вужудга келиши;

Бизга маълумки, шиддат билан ўзгараётган дунёда медиатаълим масаласи давлат ва жамият учун муҳим саналади. Сабаби, медиатаълим бир томондан таълим жараёнига, иккинчи томондан давлатнинг сиёсатини фуқаролар онгига

<sup>7</sup>Муминов А. Ўзбекистон: ахборотлашган жамият сари. – Тошкент, 2013.-Б. 5.

<sup>8</sup>Самаров Р. Хавфсизликнинг методологик асослари. Т.: “Академия” нашриёти – 2010.-213 б.

етказувчи восита вазифасини бажаради. Шунингдек, у сиёсий жараёнларда фуқароларнинг сиёсий психологиясини ўзгартиришга қодир. Шулардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, сиёсий жараёнларда медиатаълимга бўлган эҳтиёжни ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан таъминлаш учун ташқи ва ички омилларни ҳисобга олиш даркор. Шунингдек, сўнгги йилларда Ўзбекистон олий таълим тизимида изчил ислохотлар амалга ошириб келинмоқда, яъни хорижий давлатларнинг таълим муассасалари билан ҳамкорликда кўшма дастурлар асосида янги университетлар, янги фан дастурлари, умуман олганда янги ғоялар, янги технологиялар ҳамда ахборотлар оқими тинимсиз кириб келмоқда. Бундай вазиятда мамлакатнинг барқарор тараққиёти учун муҳим бир масала, у ҳам бўлса ёш авлоднинг онгу тафаккурини турли таҳдидлардан асраш, сиёсий тизимга нисбатан ёшларнинг ишончи масаласини юксалтириш, уларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокида давлат ва миллат манфаатини қўллаб-қувватлаш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”<sup>9</sup>ги қарорининг қабул қилиниши ҳам бежиз эмас. Бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ушбу қарорда белгилаб берилди. Бугунги кунга келиб, ижтимоий гуруҳлар, давлатлар, маданиятлар ва ниҳоят, цивилизациялардан ҳар бирининг ўзига хос ахборотлашиши оқибатида улар ўртасидаги мулоқот янги пиллапояга кўтарилди. Жумладан, давлатлар ўртасидаги анъанавий рақобатга асосланган муносабатлар тизимида эндиликда медиа бозорда ахборот рақобати ҳам пайдо бўлди. Бу жараёнда медиатаълимнинг ёшлар сиёсий ва мафкуравий иммунитетини юксалтиришдаги ўрни ва сиёсий медиатаълим институтини Ўзбекистонда шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган.

Диссертациянинг III боби **“Медиатаълим мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарор тараққиётини таъминлашнинг замонавий омили сифатида: муаммо ва истиқболлар”** деб номланган. Унда Ўзбекистон таълим сиёсатини такомиллаштиришда медиатаълим имкониятларидан самарали фойдаланиш зарурияти, Ўзбекистонда медиатаълим технологияларининг давлат суверенитети ва миллий хавфсизлигини таъминлашдаги потенциал имкониятлари илмий таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Барчамизга аёнки, жаҳонда кескин иқтисодий рақобат, ахборот хуружлари, террористик таҳдидлар тобора кучайиб бормоқда. Дунёнинг турли жойларида, айниқса, Яқин Шарқ минтақасида қонли тўқнашув ва низолар давом этмоқда. Минг афсуски, бундай нотинч кескинлик ўчоқлари камайиш ўрнига кўпайиб бормоқда. Ана шундай таҳликали вазиятни ҳисобга олган ҳолда, биз юртимизда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, турли хавф-хатарларга қарши курашиш бўйича фаолиятимизни ҳар томонлама кучайтиришимиз шарт. Бу— замон талаби. Ахборот ресурслари орқали тарқатилаётган бузғунчи ғояларнинг олдини олиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари таркибида алоҳида бўлинмалар ташкил этиш зарур”<sup>10</sup> деб таъкидланган эди. Шу билан бирга, бугун ён-

<sup>9</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 3 май 2019 йилдаги №4307-сон қарори

<sup>10</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2017 йил 28 декабрь.

атрофимизда, узоқ-яқин минтақаларда юз бераётган воқеаларни инобатга оладиган бўлсак, ҳали онги, ҳаётий қарашлари шаклланиб улгурмаган ёшларни чалғитишга қаратилган ғаразли кучлар интернет имкониятларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уринаётгани ва бундай интилишларнинг қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги очиқ-ойдин равшан.

